

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Ўзбек тилшунослиги кафедраси**

Ашуралиева Хуршидананинг

**522100** - Ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналиши бўйича  
бакалавр даражасини олиш учун ёзилган

“Ўзбек тилининг банк иши терминологияси” мавзuidaги

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Илмий раҳбар:**

Филология фанлари номзоди  
С.Нормамаатов

**Гулистон – 2013**

## МУНДАРИЖА

<b>ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ.....</b>	<b>3-5</b>
<b>КИРИШ.....</b>	<b>6-12</b>
<b>I БОБ. ЎЗБЕК ТИЛИ БАНК ИШИ ТЕРМИНЛАРИДАГИ ОМОНИМИЯ, СИНОНИМИЯ, АНТОНИМИЯ ҲОДИСАЛАРИ....</b>	<b>13-27</b>
1.1. Банк иши терминларидаги омонимия, синонимия ҳодисалари.....	13-24
1.2. Банк иши терминларида антонимия ҳодисаси.....	24-27
<b>II БОБ. ЎЗБЕК ТИЛИ БАНК ИШИ ТЕРМИНЛАРИНИНГ ЯСАЛИШ УСУЛЛАРИ .....</b>	<b>28-41</b>
2.1. Банк иши терминларининг семантик-синтактик усул билан ясалиши.....	28-32
2.2. Банк иши терминларининг морфологик усул билан ясалиши.....	32-35
2.3. Банк иши терминларининг синтактик усул билан ясалиши.....	35-41
<b>УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР.....</b>	<b>42-43</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>44-45</b>

## ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг, барча соҳаларда бўлганидек, ўзбек тилшунослигида ҳам катта-катта ютуқларга эришила бошланди. Тилшунослигимизнинг барча соҳаларида назарий масалаларни тобора чуқурроқ, теранроқ тадқиқ этиш сари дадил қадамлар ташланмоқда, амалий жиҳатдан қатор ишлар юзага келмоқда. Кўплаб докторлик ва номзодлик диссертацияларининг муваффақиятли ҳимоя қилинганлиги, бир қанча монографияларнинг яратилганлиги, юзлаб мақолаларнинг эълон қилинганлиги шундан далолат беради. Турли типдаги, яъни бир тилли, икки ва ундан ортиқ тилли, умумфилологик ёхуд терминологик луғатларнинг нашр этилганлиги ҳам тилшуносларимиз эришган ютуқларни ёрқин намойиш эта олади. Ҳозирги даврда ўзбек тилшунослигида турли фан соҳалари терминлари жадаллик билан ўрганилмоқдаки, бу нарса фан соҳаларининг ривожланиши ва фан ютуқларининг ишлаб чиқаришга татбиқ этиш даражаси, терминларнинг ривожланиши ва бойиб бориши билан чамбарчас боғлиқдир. Терминларни атрофлича тадқиқ этиш билан уларни тартибга солиш ва барқарорлаштириш сингари амалий масалаларга ҳам катта эътибор берилмоқда.

Ўзбек тилшунослигида бугунги кунгача пахтачилик, ботаника, тилшунослик, адабиётшунослик, математика, физика, техника, мусиқа, доришунослик, тиббиёт, кимё, электротехника, халқ амалий санъати турлари ва бошқа соҳаларга оид терминлар лингвистик жиҳатдан муфассал ўрганилган, уларни тартибга келтириш юзасидан муайян тавсиялар ишлаб чиқилган бўлса-да, ҳали ўзбек терминологиясининг умумназарий масалалари борасида яхлит бир монография юзага келмаган. Бунинг асосий сабаби, бизнингча, биринчидан, ўзбек тилидаги мавжуд терминологик тизимларнинг шаклланиши, ривож ва

бойиб бориши бир хил даражада эмаслиги бўлса, иккинчидан, баъзи фан соҳалари терминологиясининг ҳалигача яхши ёки умуман ўрганилмаганлигидадир. Ўзбек тилининг банк иши терминологияси ҳам мана шулар жумласидандир. Шу маънода, ўзбек тили банк иши терминларини тўплаш, уларни лингвистик нуқтаи назаридан ўрганиш ва тартибга солиш зарурияти танланган мавзунинг долзарблигини белгилай олади.

**Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари.** Ишнинг асосий мақсади Ўзбек тили банк иши терминларининг лисоний хусусиятларини лисоний ва нолисоний омиллар ёрдамида тадқиқ қилиш ва илмий умумлаштиришдир. Шу мақсаддан келиб чиқиб, қуйидаги вазифалар белгиланди:

- ўзбек тили банк иши терминологиясидаги ўз ва ўзлашма қатламга мансуб терминларни тўплаш ;
- ўзбек тили банк иши терминларидаги омонимия, синонимия, антонимия ҳодисаларини аниқлаш ва уларнинг юзага келиш сабабларини тавсифлаш;
- ўзбек тили банк иши терминларининг семантик-синтактик усул билан ясалишини ўрганиш;
- ўзбек тили банк иши терминларининг аффиксация ҳамда композиция усули билан ясалиш моделлари ва грамматик тузилишини тавсифлаш.

**Ишнинг тадқиқ объекти ва материаллари.** Тадқиқотнинг асосий объекти Ўзбек тили банк иши терминлари ва уларнинг луғавий асосларидир. Ишга материал сифатида бугунги кунда банк ва молия тизимидаги тушунча ва тасаввурларни ифодалаш учун қўлланилиб келинаётган терминлар белгиланди.

**Ишнинг илмий янгилиги.** Битирув-малакавий ишдаги илмий янгиликлар қуйидагилар билан изоҳланади:

1. Ўзбек тили банк иши терминологияси илк бор монографик планда ўрганилди. Тадқиқот натижаси банк иши терминологияси ҳақида муайян илмий хулосалар беради.

2. Ўзбек тили банк иши терминларининг ясалиш моделлари ва грамматик тузилиши ўрганилди. Бу билан мазкур тизимда морфологик, композицион ёки конверсия усулининг ўрни аниқланди.

3. Тадқиқот натижаларидан қомусий, изоҳли, терминологик луғатлар яратилишида фойдаланиш имконияти туғилади.

**Ишнинг назарий ва амалий аҳамияти.** Ишнинг тадқиқ методи, назарий хулосаларидан ўзбек тилининг бошқа терминологик тизимларини лингвистик тадқиқ қилишда, ўзбек терминологияси бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишда, шунингдек, терминология бўйича махсус курс ва семинарлар ташкил қилишда кенг фойдаланиш мумкин.

Малакавий ишнинг фактик материаллари ўзбек тили банк иши терминларининг изоҳли луғатини яратишда қўл келиши мумкин. Иш тилшунослик фанидан ташқари, ижтимоий-иқтисодий фанлар учун ҳам қизиқарли материаллар беради.

**Битирув-малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми.** Мазкур Битирув- малакавий иш Кириш, икки асосий боб, умумий хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, жами 45 бетни ташкил этади.

## КИРИШ

Илм-фан ва техника жадаллик билан ривожланаётган ҳозирги даврда янгидан-янги тушунчаларнинг пайдо бўлаётганлиги туфайли ўзбек тилининг хилма-хил терминологик тизимлари қарор топа бошлади. Шу муносабат билан термин ва унинг таърифи муаммоси ҳозирги тилшунослик, жумладан, лексикология, терминологиянинг ҳал этилиши лозим бўлган асосий масалаларидан бири бўлиб келмоқда. Термин ҳамда терминологиянинг у ёки бу масалалари ечимини топиш фан ва техниканинг тегишли соҳалари учунгина эмас, балки тилшунослик учун ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш лозим бўлади.

Гарчи, умумтилшуносликда термин муаммоси назарий жиҳатдан анча ўрганилган бўлса-да, унинг таърифи, терминлар ва термин бўлмаган лексема ва сўзларнинг ўзаро фарқланувчи белгилари, терминларнинг таркиби сингари масалалар ҳали етарлича ўрганилган, деб бўлмайди. Бундай ҳолат ўзбек тилшунослиги ва терминологияси ҳам тааллуқлидир.

Таъкидлаш жоизки, терминнинг таърифи масаласида ҳали баҳсталаб ўринлар мавжуд. Жумладан, биргина “термин” тушунчасининг ўзи ҳақида кўплаб таърифлар мавжуд бўлиб, уларда терминнинг хусусиятлари турлича белгиланган. Баъзи тадқиқотчилар терминнинг аташ хусусиятини биринчи ўринга қўяди: “Термин” сифатида намоён бўлувчи сўзнинг алоҳида, махсус вазифаси аташдир”.<sup>1</sup> Бошқа бир гуруҳ тадқиқотчилар эса терминнинг аниқловчилик хусусиятини, яъни унинг тушунча билан алоқасининг алоҳида ажратиб кўрсатади. “Ҳаммамизга маълумки, сўз, энг аввало, номинатив ёхуд дефинитив вазифани бажаради, яъни агар сўз аниқ бир белги воситаси бўлиб хизмат қилса, оддий ҳисобланади, агар мантиқий таъриф воситаси бўлса, илмий термин ҳисобланади”<sup>2</sup>.

Лексикологик ҳамда терминологик тадқиқотларнинг баъзиларида терминлар махсус қўлланиш доирасида ишлатиладиган лексик

<sup>1</sup> Винокур Г.О. О некоторых явлениях словообразования в русской технической терминологии // Труды МИФЛИ. Т.5. Сборник статей по языковедению. М., 1939. С.6.

<sup>2</sup> Виноградов В.В. Вступительное слово на Всесоюзном терминологическом совещании // Вопросы терминологии. М., 1961. С.16.

бирликлардир, деб қараш одат тусига кирган. Кўпчилик тилшунослар шуни қайд этадиларки, термин, энг аввало, тилнинг лексик системасида тенг ҳуқуқли аъзо ҳисобланади; у бир маъноли бўлиши ҳамда фан, техника ва маданиятнинг у ёки бу соҳасидаги муайян тушунчани аниқ ифода этиши зарур. Терминологик тизимлар ягона лисоний тизим доирасида юзага келади ва ривожланади ҳамда унинг умумий қонуниятларига бўйсунди. Термин билан сўз (нотермин) ўртасида ўтиб бўлмас чегара йўқ, улар ўртасида “шаклан ҳам, мазмунан ҳам” жиддий тафовут йўқ, аслида термин ҳам сўздир, фақат “сўзнинг махсус, алоҳида туридир”<sup>1</sup>

Бизнингча, “термин” тушунчасига юкланган мазмун қуйидаги белгиларга асосланиши керак, чунки бу таъриф терминни умумистеъмолдаги сўздан фарқлаш учун етарлидир, деб ҳисоблаймиз: “1) термин – умумадабий тилнинг муҳим лексик қатламларидан бири бўлмиш фан, техника, ишлаб чиқариш, касб-ҳунарларга оид тушунчаларни ифодаловчи махсус луғавий бирликдир; 2) термин махсус нарса, ашё ёки мавҳум тушунчанинг ўзига хос номидир; 3) термин учун муайян таъриф зарур, бу таъриф тегишли тушунча мазмунини аниқроқ ифодалашга, тушунчаларнинг бирини иккинчисидан чегаралаб ажратишга, айти маҳалда маълум тушунчани муайян таснифий қаторга жойлаштиришга имкон яратувчи белгиларни равшанроқ кўрсатишга ёрдам беради”<sup>2</sup>

Демак, терминология муайян фаннинг тушунчалар тизими билан ўзаро муносабатда бўлган терминлар тизими сифатида таърифланади. Терминологик тизимлар фан тараққиёти билан биргаликда ривожланиб боради. Умумистеъмолдаги сўзлардан фарқли равишда терминларнинг қўлланиши маълум назорат остида бўлади.

Қайд этиш керакки, терминнинг таърифи ва унинг асосий белгиси ҳақида ягона фикр бўлмагани сингари, термин ва сўз ўртасидаги фарқ, чегара ҳақидаги масала ҳам ечилмай қолмоқда. Шунга қарамай, айрим

---

<sup>1</sup> Винокур Г.О. Кўрсатилган асар. –Б. 3.

<sup>2</sup> Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания. М., 1977. –С. 90.

тадқиқотчилар бу масалани хусусий тарзда, яъни маълум бир фан соҳаси доирасида, махсус адабиётларни таҳлил қилган ҳолда ўрганиб чиқишга ҳаракат қилишган. Масалан, А.Мадвалиев “Ўзбек кимё терминологияси ва уни нормалаштириш масалалари” мавзусидаги номзодлик диссертациясида ўзбек кимё терминологияси мисолида терминология ва номенклатуранинг, термин ва сўзнинг фарқли жиҳатларини тўғри кўрсатиб беришга ҳаракат қилган. Шу билан бирга, терминология ва номенклатуранинг бир-бирига яқин алоқада бўлишини, бир тоифанинг иккинчи тоифага доим ўтиб туришини аниқ мисоллар билан исботлаб, “ўртадаги бундай қарама-қаршилиқка қарамай, терминлар ва сўзлар ягона терминологик системанинг таркибий қисмларидир”,<sup>1</sup> хулосага келади.

Терминнинг тузилиши масаласи, яъни унинг неча қисмдан иборат бўлиши – ихчам-ноихчамлиги ҳам баҳсталаб масалалардан бўлиб, бу ҳодисанинг ижобий ёки салбий эканлиги ҳақида аниқ бир фикр билдирилмаган. Маълумки, терминга нисбатан қўйиладиган, лекин амалда ҳар доим ҳам эришиб бўлмайдиган талаблардан бири – унинг ихчам бўлиши талабидир. Ҳатто терминга берилган дастлабки таърифларда ҳам унга яқка сўз сифатида, шунда ҳам, асосан, от туркумига мансуб сўз сифатида қаралган. Шуниси ҳам борки, терминга берилган таърифларда термин сифатида ишлатилаётган бирикмаларнинг таркиби, яъни унинг неча қисмдан иборат бўлиши ҳақида аниқ маълумот берилмаган. Ваҳоланки, аксарият терминологик тизимларда икки, уч қисмдан иборат терминлар билан бир қаторда, беш, олти, етти, ҳатто ундан ҳам ортиқ қисмлардан ташкил топган терминларни учратиш мумкин. Масалан, ўзбек кимё терминологиясида 94 фоиз икки қисмли бирикма термин билан бирга, беш, олти қисмдан иборат терминлар ҳам борлиги таъкидланган.<sup>2</sup>

Бу далилни қувватлаб шуни қайд этишимиз мумкинки, ўзбек тили банк иши терминологиясида ҳам *имтиёзли акция*, *валюта айирбошлаш*,

---

<sup>1</sup> Мадвалиев А.П. Узбекская химическая терминология и вопросы её нормализации: Дисс. канд. филол. наук. Ташкент, 1986. –С. 3-8.

<sup>2</sup> Мадвалиев А.П. Келтирилган диссертация. –Б. 72.

*омонатга маблағ киритиш, мол-мулкни гаровдан чиқариш, жисмоний ва юридик шахсларга ҳисоб рақам очиш, муддати келган кредитларни сўндириш* каби 6-8 компонентли бирикма терминлар мавжуд. Баъзи манбаларда терминларнинг 15 компонентдан иборат бўла олиши ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Ўзбек тилшунослигида терминларни назарий томондан ўрганиш, уларни тартибга келтириш масалалари XX асрнинг 20-йиллари ўрталаридан бошланган. Зеро, аввал амалга оширилган айрим лексикографик ишларни ҳисобга олмаганда, ўзбек тилини илмий асосда ўрганиш, ўзбек тилшунослигининг фан сифатида юзага келиши ҳам шу даврдан бошланган. Албатта, терминларни ўрганиш эҳтиёжи ўз-ўзидан келиб чиққан эмас, бунга барча билим соҳалари бўйича ўзбек тилида таълим беришни йўлга қўйиш, билим соҳаларининг сезиларли даражада ривожлана бориши, илмий тафаккур доирасининг кенгайиши, турли қўлланма ва дарсликларни яратиш ишларининг бошланиши ўзбек тили луғат таркибининг бойиб бориши, тилда терминларнинг қўпайиб бориши каби омиллар сабаб бўлган. Бу эса уларни ҳар томонлама ўрганиш ва тартибга келтириш заруриятини келтириб чиқарди.

Академик А.Ҳожиев махсус луғатида “термин”, “терминология” терминларига қуйидагича изоҳ беради:

**Термин** (лот. terminus – чек, чегара, чегара белгиси). Фан, техника ва бошқа соҳага оид нарса ҳақидаги тушунчани аниқ ифодалайдиган, ишлатилиш доираси шу соҳалар билан чегараланган сўз ёки сўз бирикмаси; атама. Терминлар бир маъноли бўлиши, экспрессивлик ва эмоционалликка эга бўлмаслиги каби белгилари билан ҳам умумистеъмолдаги сўзлардан фарқланади...

**Терминология** (termin+ logos – сўз, таълимот). 1. Бирор илм, касб ва б. Соҳага оид терминлар мажмуи. Масалан, грамматик терминология, санъат терминологияси ва б<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. Тошкент, 2002, 104-бет.

Ўйлаймизки, бу таърифларда “термин” ва “терминология” тушунчаларининг моҳияти тўғри ва аниқ очиб берилган.

Турли фан соҳаларига оид терминлар ўзбек тилшунослигида дастлаб XX – асрнинг 20-30 йилларида, аксар ҳолатларда, соф амалий мақсадларни кўзлаб ўрганилган. Тўғри, бу даврда терминнинг хусусияти ҳақида, у ёки бу терминни қандай қўллаш ҳақида, русча-баналмилал ва арабча, форсча ёки умумтуркий истилоҳ (термин) ларнинг афзаллиги ҳақида бир қатор мақолалар, У Турсуновнинг рисоласи эълон қилинган.<sup>1</sup> Бироқ бундай мақола ва асарлар ўша даврдаги кескин мафкуравий, сиёсий кураш руҳи билан боғлиқ бўлганлиги натижасида терминология, умуман, тил масалаларининг лингвистик нуқтаи назардан ҳал этилишида бир қатор хатоларни ҳам келтириб чиқарган эди. Шундай бўлса-да, бу даврда терминлар аксар ҳолатда амалий жиҳатдан ўрганилди, кўплаб фан соҳаларига доир бир тилли, кўп тилли терминологик луғатлар яратилди.<sup>2</sup>

Ўзбек тилшунослигида турли фан соҳаларига оид терминологик тизимларни лингвистик жиҳатдан ҳар томонлама (ҳам илмий, ҳам амалий) ўрганиш Иккинчи жаҳон урушидан кейин, асосан, ўтган асрнинг 50-йилларидан кейин изчил тус ола бошлади: термин ва терминологиянинг назарий асослари лингвистик жиҳатдан таҳлил этилган номзодлик диссертациялари юзага келди, мукамал терминологик луғатлар яратишга киришилди, айрим мақолалар эълон қилинди.

Ҳозирги даврда ўзбек тилшунослигида турли фан соҳалари терминлари хийла жадаллик билан ўрганилмоқдаки, бу нарса фан соҳаларининг ривожланиши ва фан ютуқларининг ишлаб чиқаришга татбиқ этилиш даражаси, бинобарин, терминларнинг ривожланиши ва бойиб бориши билан чамбарчас боғлиқдир. Терминларни атрофлича татбиқ этиш билан уларни тартибга солиш ва барқарорлаштириш сингари амалий масалаларга ҳам катта эътибор берилмоқда. Ўзбек тилшунослигида

---

<sup>1</sup> Улуғ Турсун. Терминология масалалари. Тошкент, 1933.

<sup>2</sup> Тўрақулов Н. Рус-ўзбек тилларининг ижтимоий-сиёсий луғати. Тошкент, 1922. Ғози Олим Юнус. Русча-ўзбекча қисқача ҳуқуқий ва сиёсий луғат. Тошкент, 1926.

хозиргача терминология масалаларига бағишланган қирқдан ортиқ докторлик ва номзодлик диссертациялари ёқланди, ўнлаб монография, рисола ва юзлаб илмий-назарий мақолалар эълон қилинди, юздан ортиқ терминологик луғатлар чоп этилди.<sup>1</sup> Терминшунослардан С.Иброҳимов, У.Турсунов, О.Усмонов, Ҳ.Ҳасанов, Н.Маматов, С.Акобиров, Р.Дониёров, Ҳ.Жамолхонов, Н.Маҳкамов ва бошқалар ўз илмий мақолалари, илмий тавсиялари билан ўзбек терминологияси ривожига у ёки бу даражада ҳисса қўшдилар. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида” ги қонунининг қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошида Республика атамашунослик қўмитасининг иш бошлаши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур муассаларнинг фаолияти натижасида бир қадар сустлашиб қолган терминологик ишлар анча жонланиб кетди. Натижада республика миқёсида терминология масалаларига бағишланган бир неча илмий-амалий, илмий-назарий анжуманлар ташкил этилди. Масалан, 1986 йилнинг май ойида бўлиб ўтган “Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт перспективалари” деб номланган 1-Республика терминология конференцияси материаллари шу ном билан нашр этилди. Унда маърузачиларнинг ўзбек тили терминологиясининг турли масалаларига бағишланган 65 та мақола тезислари эълон қилинди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, пахтачилик, ботаника, тилшунослик, адабиётшунослик, математика, физика, техника, мусиқа, тиббиёт, кимё, халқ амалий санъати турлари ва бошқа соҳаларга доир терминлар лингвистик жиҳатдан муфассал ўрганилган, уларни тартибга келтириш юзасидан муайян тавсиялар ишлаб чиқилган бўлса-да, ҳали ўзбек терминологиясининг умумназарий масалалари борасида яхлит бир илмий тадқиқот иши юзага келмаган. Бунинг сабаби бизнингча, биринчидан, ўзбек тилидаги мавжуд терминологик тизимларнинг шаклланиши, ривож

---

<sup>1</sup> Қосимов А. Тиббий терминлар изоҳли луғати. Тошкент: Шарқ, 2004. Мираҳмедова З., Хонбобоева Г Қисқача русча-ўзбекча иқтисодий терминлар ўқув луғати. Тошкент: Молия, 2004.

ва бойиб бориши бир хил даражада эмаслиги бўлса, иккинчидан, баъзи фан соҳалари терминологияларининг ҳалигача яхши ёки умуман ўрганилмаганлигидадир. Ўзбек тилининг деярли ўрганилмаган терминологик тизимларидан бири – ўзбек тилининг банк иши терминологиясидир.

Ўзбек тилшунослигида банк иши терминлари ҳанузгача махсус терминологик тизим сифатида ўрганилмаган. Баъзи ишларда, мақолаларда улар терминологик талаблар асосида эмас, балки адабий тил нуқтаи назаридан, сўзнинг маъновий хусусиятлари жиҳатидан ўрганилган. Шу жиҳатдан ҳам фан-техника тараққиётининг ҳозирги босқичида банк иши терминларини лингвистик тадқиқ этиш ўзбек тилшунослигидаги баъзи муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради, умумтерминологик тадқиқотларнинг яратилишига ҳисса бўлиб қўшилиши мумкин.

## I БОБ.

### ЎЗБЕК ТИЛИ БАНК ИШИ ТЕРМИНЛАРИДАГИ ОМОНИМИЯ, СИНОНИМИЯ, АНТОНИМИЯ ҲОДИСАЛАРИ

#### 1.1. Банк иши терминларидаги омонимия, синонимия ҳодисалари

Терминлар табиати, функцияси, яъни уларнинг лексик-семантик, грамматик хусусиятлари, терминологик лексиканинг умумтил лексикасидан фарқлари каби масалалари бўйича ўзбек тилшунослигида анчагина ишлар қилинган. Худди шуларни ҳисобга олиб, банк иши терминларининг айрим лексик-семантик, грамматик хусусиятлари ҳақида баъзи мулоҳазаларимизни билдирамиз.

Термин ижтимоий фаолиятнинг бирор соҳаси ёки тармоғига мансуб тушунчанинг тилдаги аниқ ифодасидир. Айрим терминлар бир-бирига яқин соҳа ёки тармоқлар учун умумий бўлиши ҳам мумкин. Бу ўша соҳа ёки тармоқлар орасида маълум муносабатлар борлигини кўрсатади. Масалан: *пул, омонат, чиқим, кирим, хабарнома, шакл* каби лексемалар адабий тилда ўз маъносида қўлланса, банк иши терминологиясида маъноси чегараланган ҳолда шу соҳага оид биргина тушунчани ифодалайди. Бундан кўринадики, термин термин алоқадор соҳа ёки тармоқ аниқ тасаввур этилмаса, эътиборга олинмаса, ундан англашиладиган тушунчани чегаралаб олиш қийин бўлади. *Ғазна* лексемаси эса умуми адабий тилда “жамғарилган бойликни сақлаш жойи” маъносида қўлланса, банк-молия тизимида “касса” маъносида қўлланади. Кишиларнинг тушунишдаги, тасаввуридаги махсуслик муайян соҳа терминологиясида аниқ акс этиши керак бўлади. Бундай пайтда тушунчани аниқ ифодалаш учун, шу соҳанинг ўзига мансуб бўлган ифода воситаларидан ёрдамчи восита сифатида фойдаланилади. Масалан: *чиқим ордери, тўлов хабарномаси, омонат касса* каби.

Кўришиб турибдики, тушунчалар нисбатан умумий характерда ҳам, конкрет характерда ҳам бўлиши мумкин. Терминларда эса шу конкретлик тўлиқ ва аниқ акс этиши шарт бўлади. Лекин тушунчадаги умумийликни

барча соҳаларга бир хилда алоқадор деб тушунмаслик керак. Сўз билан термин орасидаги чегара ҳам шу билан белгиланади. Иккинчидан, терминнинг бир соҳага ёки ёки тармоққа тегишли бўлиши унинг аниқлигини таъмин этади. Бу унинг асосий белгиларидан ҳисобланади. Лекин соҳа сўзини тор маънода, яъни фақат фан-техникага ёки маданиятга тегишли деб тушунмаслик керак.

Терминда илмийлик бўлади. Бу илмийлик ифодаланаётган тушунчанинг аниқ бўлиши билан изоҳланади. Терминни таърифлаганда, унинг муайян соҳага алоқадорлиги янада аниқлашади, умумистеъмолдаги сўзлардан фарқи ҳам аниқ намоён бўлади. Масалан: *қимматли қозғозлар* бирикмали термини умумтил нуктаи назаридан аниқловчи ва аниқланмишли бирикма ифодалаган тушунчани англатиши мумкин. Банк ишида эса бирикмали ҳолда, термин сифатида бошқа бир тушунчани англатиши мумкин.

Терминларда эмоционаллик ва экспрессивлик бўлмайди. Эмоционал-экспрессив маъно ифодаладиган айрим аффикслар терминологияда ўз вазифаларини йўқотиб, аниқ тушунча ифодаси бўлган терминни ясайди. Масалан, ўзбек тили банк иши терминологиясидаги *бююртмачи, пул айланмаси, қўйилма, сумма* каби терминлардаги *–ма, –чи, –ил* аффиксларида ҳеч қандай эмоционаллик йўқ. Кўриниб турибдики, бу аффикслар терминга оттенка бериш учун эмас, балки янги тушунча ифодаси бўлган терминнинг ясовчиси вазифасини ўтаган.

Маълумки, тилдаги айрим сўзлар кўп маъноли бўлади. Сўзларнинг кўп маънолилиги умумтил лексикасида қонуний ҳодиса бўлиб, тил бойлиги ҳисобланади. Терминлар кўп маъноли бўлса, фикр алмашишни қийинлаштиради, терминологик лексика тараққиётига халақит беради. Сўз ҳар бир контекстда алоҳида маънода қўлланиши мумкин. Термин учун эса матн ҳисобга олинмайди. Маълум системада бир тушунча ифодаси бўлиб қолаверади. Термин фан, техника, умуман, инсон фаолиятининг айрим соҳаси ёки яқин бўлган соҳалари доирасида бир маънолилиқ касб этиши,

унинг асосий мезони ҳисобланади. Аммо терминдаги бир маънолиликни кишилар турлича талқин қиладилар. Баъзилар унинг моносемантиклик белгисини фақат матн билан боғлайдилар, яъни матндагина бир маъноли бўлади, дейишади. Термин одатда ҳар қандай матнда айтиб тушунчани англатади.<sup>1</sup> Айримлар эса маълум бир сўзнинг термин бўлиши учун унинг қўлланиш доираси, бирор соҳа билан чекланиши шарт эмас, балки маъносининг чекланиши шарт, яъни маълум бир тушунчанинг аниқ ва барқарор ифодаси бўлган сўз ва сўз бирикмалари термин бўлавермайди, дейдилар.<sup>2</sup> Аммо аксарият терминшунослар терминнинг моносемантик хусусиятини бир терминологик система ёки бир-бирига яқин бўлган соҳалар билан боғлайдилар. Дарҳақиқат, у бир терминологик система доирасида бир маъноли бўлади, ундан четга чиқдими, сўзга айланади. Демак, терминдаги бу хусусиятлар уни шундай таърифлаш имконини беради. Термин фан, техника, маданият, санъат, ишлаб чиқариш, умуман, инсон фаолиятининг маълум соҳасига оид тушунчалар системасида тушунчага мос келадиган ифода воситасидир.

Термин миллий тилга хос бўлади. У бир хил қўлланади, бир хил ёзилади. Терминлар шартлиликка асосланган бўлади, яъни термин бўлиб келган сўз ёки сўз бирикмалари шартли равишда шу вазифани бажаради, яъни унинг мазмуни бир терминологик система доирасида шаклланади, ундан чиқса ўзгариши ҳам мумкин. У ҳам оддий сўз каби алоқа воситасининг бир элементи ҳисобланади. Бу вазифа, албатта, чегараланган, бирор соҳа ёки тармоқ доирасида бўлади.

Чинаккам намунали термин ҳар доим бир терминологик системада бир маъноли бўлади. Унинг функцияси ортдими, ё полисемантик, ёки омоним терминларга айланади. Маълум семантик алоқа мавжуд бўлса, полисемантик, семантик алоқадорлик узилса, омоним терминлар юзага келади. Бир термин асосан бошқа-бошқа соҳалар терминологиясига оид

---

<sup>1</sup> Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент: Ўқитувчи, 1992. 124-бет.

<sup>2</sup> Маматов Н. Термин ва унинг таърифи ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1976. 1-сон, 68-бет.

тушунчаларни билдирганда, икки тушунча орасидаги семантик алоқадорлик сезилмай қолади. Чунки бир соҳа кишилари фикр юритганда иккинчи соҳага оид тушунчани ҳаёлларига ҳам келтирмайди. Демак, баъзи терминлардаги шаклий тенглик шундан келиб чиқади. Терминологиядаги шаклий тенглик ҳодисаси омонимия саналади. Омоним терминлар, асосан, муайян тил терминологиясидаги турли тушунча ва нарсаларнинг бир хил ифодаси сифатида юзага келади. Омоним терминларнинг деярли кўпчилиги полисемантик сўзлар бўлиб, терминологик лексикада ҳар хил тушунчаларни ифодалайдиган бўлган. Масалан: *устама* асли *қўшимча*, *ортиқча* маъносида қўлланган, кейинчалик эса банк иши терминологиясида *устама* термини *қўшимча* ҳақ тушунчасини ифодалайдиган бўлди.

Омоним терминлар асосан полисемантик сўзларнинг мантиқий давоми сифатида юзага келади. Лекин бошқа-бошқа соҳаларга тегишли бўлгани туфайли маъносидаги алоқадорлик сезилмай кетади. *Муддат*, *ҳисобот*, *мижоз*, *омонат*, *тизим* каби атамалар адабий тилда полисемантик сўзлар бўлса, терминологик лексикада омонимлар саналади. Чунки, бир томондан, улар маъносида боғлиқлик бор, иккинчи томондан, турли терминологик системага тегишли. Яъни терминологик системада шаклдош, холос. Омоним сўзлар билан омоним терминларнинг фарқлари куйидагиларда деб ўйлаймиз:

1. Омоним сўзлар турли сўз туркумларига мансуб бўлади. Омоним терминларда эса ҳар доим исмлиқ – отлик хусусияти мавжуд бўлади.

2. Омоним сўзлар нутқ жараёнида ҳиссий-таъсирий тус бериш, адабий асарларда ғоявий юксаклик, бадиий безак ва жозибаторликни таъминлаш учун ишлатилса, терминологияда омоним терминлар махсус атамаларни юзага келтиради.

3. Омоним сўзлар учун умуммайдон адабий тил бўлса, омоним терминлар учун терминологик лексика ҳисобланади.

Демак, омонимия ҳодисаси терминологияда ўзига хос характерга эга бўлган семантик жараён ҳисобланади ва махсус атамаларни юзага келтиради. Умумадабий тилдаги омонимия ҳодисаси билан терминологиядаги омонимия ҳодисаларини ҳеч қачон бир-бирига аралаштирмаслик керак. Умумадабий тил лексикасининг бойишида, нутқ ранг-баранглигини таъмин этишда муҳим роль ўйнаган синонимия ҳодисаси ҳам терминологик лексикада алоҳида, ўзига хос характерга эга.

Бизга маълумки, қатор терминологик системаларда лексик-семантик усул билан термин яшадан унумли фойдаланиб келинган ва фойдаланиб келинмоқда. Турли соҳалар терминологиясининг бойиб боришида ана шу лексик семантик усул билан термин ясалиши муҳим ўрин тутди. Шу сабабли ҳам турли соҳаларда умумистеъмолдаги сўзлар асосида кўплаб терминларни учратиш мумкин. Бу эса умумистеъмолдаги лексика билан терминологик лексиканинг доимий алоқада эканлигидан далолатдир. Бу алоқа икки томонлама характерда бўлиб, унда баъзи бир сўзлар лексик-семантик ўзгаришларга учраб терминга айланганидек, термин ҳам ўзининг баъзи бир хусусиятларини йўқотади ва умумистеъмолдаги сўзга айланади.

Одатда, термин ўз соҳасида аниқ ва бир маъноли бўлади, ўз соҳаси доирасидан чиққанда эса ушбу хусусият йўқолади ёки бошқа бир соҳа терминологиясининг аъзосига айланади. Шунинг учун ҳам умумистеъмолдаги сўзлар терминологиянинг бирор бир соҳасига ўзлашганда, ушбу соҳада ўзига хос тушунчага эга бўлади, яъни унинг маъноси чегараланади, махсуслашади.

Адабий тилда маъно кўчиши, кенгайиши, торайиши каби ҳодисалар мавжуд. Сўз ёки терминнинг маъноси ушбу омиллар таъсирида ўзгариб, терминология тараққиётига хизмат қилади. Лексик-семантик усул билан термин ҳосил қилинганда, маъно кўчишининг барчаси бирдек иштирок этмайди. Бунда, айниқса, метафора ва вазифадошлик асосида ном кўчиши кўп учрайди. Терминологиядаги аниқлик принципи бу жараёнда метафоранинг етакчи ҳодиса сифатида амал қилишини таъминлайди.

“Метафора – икки предмет ва ҳодисадаги ўхшаш белги ва хусусиятлар асосида бир номнинг иккинчи предмет ва ҳодисага кўчишидир... бу жараён ҳамиша икки эҳтиёж таъсирида, яъни янги предметга ном бериш зарур бўлганда ёки маълум предметга бўлган муносабатни ифодалаш зарурияти туғилганда воқеъ бўлади.”

Ушбу усул билан ҳосил қилинган терминлар инсонга таниш бўлган нарса ва ҳодисаларнинг терминларга, хусусан, табиат ҳодисалари, одам аъзолари, уй-рўзғор буюмлари кабиларнинг номларига асосланади. Масалан, *шакл, маблағ, тилхат, сумма, омонат* банк иши терминларида ҳам бу ҳодисани кузатиш мумкин. Шу билан бирга ўзбек терминологиясида шундай ҳолат мавжудки, унда уй-рўзғор буюмлари, одам аъзолари, табиат ҳодисалари ном кўчиши оқибатида терминга айлангани каби соҳа терминлари бошқа бир соҳага кўчиши ҳам мумкин. Натижада, бир термин турли соҳаларда ҳар хил маъноларни ифодалайди ва ўз навбатида терминологияда соҳалараро омонимияни вужудга келтиради.

Омонимия кенг қамровли ҳодиса ҳисобланади. Тилда омонимияни аниқлашда биринчи навбатда мустақил лексик маъно (семема), сўнгра шакл (ёзувдаги бир хиллик) эътиборга олинади ҳамда омонимияни полисемиядан фарқлашда лексеманинг семемалари ўртасидаги ип, занжир узилган ёки сақлангани ҳисобга олинади. Аммо терминологияда, хусусан, соҳалараро омонимияда икки лексема ёки термин ўртасидаги боғлиқлик маълум даражада сақланиб қолади, яъни уларнинг ифодалаган маънолари тамомила узилмаган бўлади.

Кўпинча терминология соҳасидаги кенг тарқалган синонимия тилшунослар томонидан терминология тараққиёти ва шаклланишининг илк даврларига хос ҳодиса деб баҳоланади. Айни шу ҳолатни ўзбек тили банк иши терминологиясида ҳам кузатиш мумкин. Банк иши терминологиясида илгари ишлатилиб келинган бир қатор арабча терминлар вақт ўтиши билан истеъмолдан тушиб қолади, бинобарин, терминлар синонимияси бир қадар камайди, бироқ ҳозирги пайтда ҳам

истеъмолда бўлган баъзи асли арабча терминлар ўзининг русча байналмилал муқобиллари билан ёнма-ён, баб-баравар, синонимик ҳолатда қўлланмоқда. *Жамғарма-фонд, резерв-заҳира, молия-финанс* каби. Ҳозирги вақтда банк иши терминологиясига байналмилал терминларнинг кириб келиши ҳам терминологиянинг бойишига ҳамда синоним терминларнинг қўпайишига олиб келди. Масалан, *буютмачи-заказчик, олдиндан тўлов-аванс, рўйхат-реестр, чек-квитанция* каби. Шунини айтиш лозимки, “синонимик терминлар” билан умумдабий тилдаги синонимия тушунчалари ўртасида катта фарқ бор. Синонимия нутқнинг бадиий, публицистик услублари учун жуда қўл келади, ёзма ва оғзаки нутқни бир хил такрорлардан озод қилади. Бироқ бундай синонимия илмий, хусусан, терминология учун ортиқча ҳолатдир. Синоним терминлар, биринчидан, киши хотирасига ортиқча юк бўлиб тушади, чунки қўплаб тушунчаларни ўзлаштириш билан бирга, уларни англаувчи янада қўп терминларни эслаб қолишга тўғри келади; иккинчидан, уларнинг мавжудлиги натижасида маъно жиҳатдан бир-биридан фарқланиш хавфи туғилади.

Банк иши терминологиясида ҳам синонимия, вариантдорлик хима-хил объектив ва субъектив сабаблар натижасида юзага келади. Бунда субъектив ҳолатлар кўпинча айрим муаллифлар ва таржимонларнинг термин яратишда у ёки бу аффиксларни ўринсиз қўллаш, бирикма терминлар таркибий қисмларини танлашдаги хатоларидан иборат бўлиб, бундай интилишлар натижасида грамматик синонимлар юзага келиб қолади. Асли ўзбекча (умумтуркий) терминлар билан форсча ёки арабча, ёхуд байналмилал терминларнинг синонимияси ана шулар жумласидандир. Бироқ, ушбу ўринда масалани биров соддалаштириш мақсадида, асли ўзбекча, форсча ҳамда арабча терминларнинг ўзаро синонимияси бир гуруҳ деб ҳисобланиб, ана шу гуруҳ билан байналмилал лексемалар синонимияси иккинчи гуруҳга киритилди. Бунда шунини ҳам таъкидлаш керакки, ҳар икки гуруҳдаги луғавий бирликлар айрим олинган

лексемалар билан ҳам, бирикма терминлар таркибидаги терминоэлементлар билан ҳам ифодаланиши мумкин.

Ўзбек тили луғат таркибининг асосини ташкил этувчи асли ўзбекча, форсча, арабча лексемалардан пайдо бўлган банк иши терминлари синонимиясини тез-тез учратиш мумкин. Масалан: *маош-ойлик, текиширув-назорат, гаров-кафил, устама-қўшимча* каби. Бундай синоним терминларнинг аксарияти муаллиф ва таржимонларнинг ўз хоҳишларича термин қўллаши ёки тегишли байналмилал терминларни нотўғри таржима қилишлари натижасида келиб чиқиши мумкин ва улар кўпчилик ҳолларда матнда гўё бир-бирини изоҳлаш, тушунтириш учун келтирилгандай бўлади. Бироқ бу ҳодиса ижобий томондан кўра, кўпроқ салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Терминларнинг шу хилда синонимик тарзда қўлланишига сабаб, биринчи навбатда, уларнинг умумдабий тилда тенг даражада ишлатилаётганлиги деб биламиз. Чунки бундай синонимияни ҳосил қилувчи терминлар, улар ҳоҳ соф ўзбекча, ҳоҳ форсча ёхуд арабча бўлишидан қатий назар, асрлар давомида умумхалқ тилида ишлатиб келинган. Шунингдек, бундай терминлар мансуб бўлган тилларда сўзлашувчи халқлар ҳам йиллар давомида ёнма-ён, ҳатто аралаш ҳолда яшаб келганлиги ёки яқин алоқада бўлганлиги ҳам синонимиянинг ҳосил бўлиши ва тилда узоқ вақт сақланиб қолишига сабаб бўлган, деб ўйлаймиз.

Юқоридагидек синонимик терминлардан бирини танлаб олиб, синонимияни бартараф этиш, бир қарашда, осондек туюлади. Лекин қуйида келтирилган сабаблар бунга йўл қўймайди. Шунинг учун бундай терминларнинг қайси бирини танлаб олиш масаласини ҳал этишда республикадаги етакчи терминшунослар тўпланиб, бир қарорга келишлари лозим бўлади.

Синоним терминлар ҳосил бўлишининг асосий сабабларидан яна бири ўзбек тилида аввалдан қўлланиб келинган луғавий бирликларнинг байналмилал терминлар билан паралел қўлланишидир. Муайян бир тушунчани ифодалаш учун бир вақтнинг ўзида ҳам миллий, ҳам

баналмилал терминлардан фойдаланиш нафақат ўзбек тилининг банк иши терминологияси учун, балки барча тилларнинг терминологик тизимлари учун ҳам умумий лисоний белги ҳисобланади. Шунинг учун тилларнинг терминологик тизимларида синонимияни ҳам оқлаш зарурати келиб чиқади. Бу фикр олима Б.Орузбаева томонидан қуйидагича таъкидланган: “Истеъмолда бир маъноли ўз ва ўзлашма сўзлар мавжудлигидан ҳосил бўлган терминологик синонимия анча кўпроқ учрайди. Амалда дублетлардан тўла қутулиш имконияти йўқ. Шундай экан, терминологик синонимия миллий тиллар учун муқаррар ҳолдир”.

Миллий (ўзбекча) ва баналмилал банк иши терминларининг луғавий синонимиясини ҳам алоҳида олинган терминлар доирасида (*счёт-ҳисоб, резерв-заҳира, аванс-олдиндан тўлов, ведомост-қайднома* каби), шунингдек, бирикма терминлар (уларнинг таркибий қисми) доирасида (*қўшилган капитал-ортиқча капитал, ҳужжат юритувчи субъект-ҳужжат олиб борувчи субъект, нақд пул тушумини хронометраж қилиш-нақд пул тушумини ҳисоблаш* каби) ҳам кузатиш мумкин. Баъзан байналмилал терминларни бирикма терминлар тарзида таржима қилиш ва айти пайтда уларни паралел қўллаш натижасида терминологик синонимиянинг аралаш тури ҳам келиб чиққан. Ўзбек тилининг банк иши терминологиясида байналмилал терминларнинг айнан, таржимасиз қўлланиши баъзи ўринларда ўзини оқласа-да, она тилимизда аниқ муқобиллари бўлгани ва улар айти банк-молия билан боғлиқ тушунчаларни аниқ ифодалагани ҳолда байналмилал терминларни амалиётга киритиш ҳақли эътирозга сабаб бўлади. Бой ёзма адабиётга эга бўлган тилларда байналмилал терминларнинг мавжуд муқобилларидан ва тилнинг ички луғавий имкониятларидан тўла фойдаланиш ҳамда тегишли терминларни таржима қилиш энг тўғри йўл эканлиги тегишли манбаларда кўрсатиб ўтилган. Тўғри, кўпчилик байналмилал терминлар терминологик талабларга аниқроқ жавоб бера олади. Ўзлашма терминларнинг афзалликлари терминшуносликка бағишланган қатор ишларда қайд

этилган. Рус тилшуноси Л.Кутинанинг бу ҳақдаги фикри ҳам эътиборлидир: “Ажнабий тил терминлари афзаллигининг энг оддий далили уларнинг байналмилал хусусиятидир. Лекин бошқа бир далил ҳам кам бўлмаса керак: ажнабий тил терминларининг муайян тил тизимларидан алоҳида ажралиб туриши, у билан боғланмаслиги, иккинчи ва қўшимча маъноларга бўлиниш эҳтимолининг йўқлиги ҳам уларнинг афзаллигини кўрсатади. Она тилидаги сўз ҳали термин сифатида шаклланиши керак, ажнабий, ўзлашма сўз эса тайёр термин ҳисобланади”. Албатта, бу фикрга ҳам қўшилмай бўлмайди. Бирок, байналмилал терминларнинг қўлланишини маъқуллаган ҳолда, ўзбек тилининг тарихий анъаналарини ҳам ҳисобга олиб, терминологияни тартибга солиш ишларини йўлга қўйиш керак, деб ўйлаймиз. Маълум бир тушунчани англатишда миллий ва байналмилал атамаларнинг иккаласи ҳам терминологик талабларга тенг даражада жавоб берган ҳолларда миллий терминнинг ўзини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Аксинча, синонимик муносабатдаги ўзбекча термин бир неча сўздан иборат бўлса ёки тушунча тўғрисида чалкаш, нотўғри фикрни юзага келтирса, албатта, байналмилал термин афзаликка эга бўлади ва у асосий илмий термин сифатида қабул қилинади.

Кўпгина терминшунос олимлар қайд этганидек, синоним терминларнинг юзага келишини терминологияда ижобий ҳодиса деб бўлмайди. Унга терминологик мезонлар бузилишининг натижаси деб қараш лозим бўлади. Шунинг учун ҳам полисемантик терминларнинг юзага келиши каби, синоним терминларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик, унинг олидини олиш энг зарур масаладир.

Терминологияда синонимия ҳодисаси қандай, синоним терминлар қандай қилиб юзага келиб қолади деган савол ўз-ўзидан туғилиши мумкин. Синоним сўзлар билан синоним терминлар бир хил эмас, албатта. Улар характер ва табиатига кўра ҳам, юзага келишида ҳам тафовутлар бор. Талаффузи ва ёзилиши ҳар хил, маъно жиҳатидан бир-бирига яқин ёки тенг бўлган сўзлар синонимлар саналади. Синоним сўзлар услубга ҳам,

нутққа ҳам хосланган бўлади. Бир тушунча ёзма нутқда бир хил ифодаланса, оғзаки нутқда бошқачароқ ифода этилади. Терминологик синонимларда эса услуб ҳисобга олинмайди. Уларнинг маъноси тушунча ва объектга тўлиқ мос келади. Шунинг учун ҳам баъзи терминшунослар бундай синонимларни терминологик дублетлар деб ҳам юритишади. Масалан: *хўжалик субъекти – хўжалик юритувчи субъект, газна – касса, қайд дафтари – қайд қилиш дафтари, ойлик – маош, омонатга маблағ киритиш– омонатга маблағ қўйиш* кабилар банк иши терминологиясидаги синоним терминлардир. Мазкур параллель терминлар банк иши терминологик лексикасида бир тушунча сифатида қўлланилмоқда.

Синоним терминларнинг юзага келиши синоним сўзларнинг пайдо бўлишига қисман ўхшаса ҳам, баъзи жиҳатлари билан ундан фарқ қилади.

Бир тушунча ифодасининг тўлиқ ва қисқарган шаклларда қўлланиши натижасида синоним терминлар юзага келиши мумкин. Бир составли терминларга хос бўлиб, қўлланишда қулайлик туғдириш учун атайлаб қисқартма шаклга келтирилади. Аммо иккала формаси ҳам бир тушунча ифодаси қўлланаверади. *Ҳисоб рақам – счёта рақам, резерв- захира, маблағ-молия* каби.

Биринчидан, бундай синоним терминлар зарурият туфайли, талабнинг тақозоси билан юзага келади. Иккинчидан, нутқ жараёнида улар бирдай қўлланмайди. Қисқарган формаси оғзаки нутқда активроқ қўлланса, ёзма нутқда, ҳужжатларда қисқармаган шакли кўпроқ ишлатилади. Ҳар бир тилдаги терминлар йиғиндиси шу тилнинг терминологик лексикасини ташкил қилади. Бу эса, умуммиллий тил лексикасидан айрим хусусияти билан фарқ қилади. Аммо шу миллий тил лексикасининг таркибий қисми ҳисобланади. Фан, техника, маданият, санъат, умуман, ҳар бир соҳанинг ўз тараққиёт қонунияти бор. Бу қонуниятлар унинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрини, мавқеи билан боғлангандир. Терминология эса шу қонуниятларни ўзида акс эттиргани ҳолда маълум қонун-қоидага бўйсундирилган бўлади. Ҳар бир соҳа

терминологияси умуми адабий тил лексикаси негизда вужудга келади ва бойида. У ўз навбатида адабий тил ривожига мунтазам таъсир кўрсатиб туради.

## 1.2. Банк иши терминларида антонимия ҳодисаси

Антонимия ҳодисаси инсон ижтимоий ва ақлий фаолияти натижаси сифатида тил бирликлари орасидаги энг фаол муносабатлардан биридир. Антонимларга бериладиган бериладиган умумий таъриф: антонимлар – карама-қарши маъноли сўзлардир. А.Реформатский антонимик муносабатлар “тушунчалар карама-қаршилигига” асосланишини таъкидлаб, антонимия ҳодисасига шундай изоҳ беради: “Антонимлар – карама-қарши маъноли сўзлардир. Бу ердаги муносабат соф семасиологик бўлиб, у тушунчаларни карама-қарши қўйишга асосланади.”<sup>1</sup>

Мазкур масала юзасидан Н.Трубецкой: “Солиштирилиши учун ҳеч қандай асос бўлмаган, яъни бирорта умумий белгига эга бўлмаган иккита нарсани бир-бирига карама-қарши қўйиб бўлмайди”<sup>2</sup>, – деб таъкидлайди.

Антонимия тушунчалараро муносабат бўлганлиги учун лексема ва терминга тааллуқлидир. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, айрим тилшунослар талқинида антонимия ҳодисаси терминологияни система сифатида белгиловчи омиллардан биридир. Терминологияда антонимия терминологик майдоннинг чекка нуқталарини белгилаб олишга, терминологик системанинг мантикий имкониятларини аниқлашга ёрдам беради.

Ўзбек тилида банк-молия терминлари а) компонентлари бир сўздан иборат бўлган (бир компонентли): *импорт-экспорт, сотувчи-харидор, макроиқтисод-микроиқтисод, актив-пассив*; б) компонентлари бир неча сўздан иборат бўлган (кўп компонентли): *текис талаб – нотекис талаб*,

---

<sup>1</sup> Реформатский А. Введение в языкознание. М., 1967. С.95.

<sup>2</sup> Трубецкой Н. Основы фонологии. М., 1960. С.75.

*барқарор валюта – беқарор валюта, моддий активлар – номоддий активлар* каби антонимик жуфтликларни ҳосил қилади.

Бир компонентли антонимотерминларни ўз қисмларининг ички тузилиши жиҳатидан *туб терминлараро, туб ва ясама терминлараро, ясама терминлараро* сингари антонимик гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Туб термин билан туб термин антонимик жуфтликни ҳосил қилиши мумкин. Бу гуруҳда ўзбек тилига мансуб банк-молия терминлари билан биргаликда халқаро терминлар асосида юзага келган жуфтликларни ҳам учратиш мумкин. Масалан: *актив-пассив*. Бунда *актив* – 1) маълум бир санага пул кўрсаткичида корxonанинг маблағлари, уларнинг таркиби ва жойлашишини акс эттирувчи бухгалтерия балансининг бир қисми;<sup>1</sup> 2) корхона, ташкилот, компанияга тегишли бўлган мол-мулк ва пул воситалари йиғиндиси; *пассив* – 1) бухгалтерия балансининг бир қисми бўлиб, унда корхона маблағлари ташкил бўлиш манбалари ва тайинланиши кўрсатилади<sup>2</sup>; 2) ташкилотнинг қарз ва мажбуриятлари йиғиндиси.

Антонимик жуфтлик қисмларининг маънолари солиштирилганда, ҳар иккала терминнинг иккинчи маънолари орқали қарама-қаршилик аниқ ифодаланганлигини кўраимиз.

*Импорт-экспорт: импорт* – мамлакатда фойдаланиш учун чет элдан сотиб олинган товар ҳамда хизматлар ва бошқа бойликларнинг мамлакатга олиб кирилиши; *экспорт* – хорижий харидорларга сотилган товар, капитал ва хизматларнинг чет элга олиб чиқиб кетилиши.

*Дебет – кредит: дебет* – бухгалтерия ҳисоб счётининг бир қисми. Актив счётларнинг дебети бўйича ҳисоб объектининг кўпайиши акс эттирилади, пассив счётларнинг дебети бўйича эса камайиши ёзилади.

---

<sup>1</sup> Сотиболдиев А., Шодибекова Д. Бухгалтернинг изоҳли луғати. Тошкент, 2010. 9-бет.

<sup>2</sup> Сотиболдиев А. ва бошқ. Кўрсатилган манба. 168-бет.

*Кредит* – бухгалтерия ҳисоб счётининг бир қисми. Актив счётларнинг кредити бўйича ҳисоб объектининг камайиши, пассив счётларнинг кредити бўйича эса объектининг кўпайиши акс эттирилади.

*Инфляция – дефляция: инфляция* – қоғоз пулларни товар муомаласи талаб қилгандан ортиқ миқдорда чиқаришнинг иқтисодий натижаси. Инфляция натижасида қоғоз пулларнинг қадри тушиб кетади. Кенг истеъмол буюмларининг нарх-навоси ошиб, реал иш ҳақи камаяди; *дефляция* – муомаладаги ортиқча пул чўғини камайтириш. Пулнинг харид қобилияти кўтарилиши ёки нархнинг умумий даражаси пасайиши.

*Даромат-харажат* (кирим-чиқим, келим-буромад), *насия- нақд, фойда-зарар, талаб – таклиф* ва бошқалар эса ўзбек тилида мавжуд бўлган антономик жуфтликлардир. Мазкур гуруҳга мансуб ҳар икки тоифадаги терминлар ўзбек тилининг банк-молия терминологик тизимидан мустаҳкам ўрин эгаллаган ва соҳа мутахассислари томонидан кенг истеъмолда қўлланади. Туб – туб моделидаги антономик жуфтликлар банк-молия терминлари орасида бошқа моделдаги жуфтликларга нисбатан кўпроқ учрайди.

2. Туб термин билан ясама термин антономик жуфтликни ҳосил қилиши мумкин. Бу типдаги терминлар жуда кам миқдорда учрайди. Масалан: *резидент-норезидент*. Таҳлиллар жараёнида бундай типдаги антонимотерминларнинг ўзга тил элементлари ҳисобига ҳосил бўлгани маълум бўлади. Бундай жуфтликлар асосан тайёр ҳолатда ўзлашган бўлиб, тавсия қилинаётган моделлар нафақат ўзбек тили банк-молия терминологиясида, балки хорижий тилларда ҳам мавжудлигини кўриш мумкин (листинг-делистинг, вальвация-девальвация каби)

3. Ясама термин билан ясама термин ҳам антонимик муносабатни юзага келтириши мумкин. Маълумки, тилшуносликда сўз ясалишининг бир қанча усуллари мавжуд бўлиб, аффиксация усули булар орасида энг фаолидир. Мазкур усул ёрдамида ҳосил қилинган антономик жуфтликларда ҳам маънони қарама-қаршиланттирувчи префикслар ўзга тил

элементлари эканлигини ва бундай терминлар ярим калька усули билан ўзлаштирилганлигини мисоллар орқали аниқроқ тасаввур қилиш мумкин. *Микрошароит – макрошароит, микроиқтисодиёт – макроиқтисодиёт* каби.

Антонимия ҳодисаси кўп компонентли терминлар орасида қуйидаги шаклларда учрайди:

1. Ҳар иккала компонентда такрорланувчи бир хил терминлар ва иккинчи жуфтликнинг биринчи компонентига қўшилувчи префикс бўлиб, антонимияни айнан шу префикс ҳосил қилади. Масалан: *текис талаб – нотекис талаб, моддий активлар – номоддий активлар* каби.

2. Жуфтлик қисмларининг биринчи компонентлари орасидаги антонимия бирикмали терминлар антонимиясини юзага келтириши мумкин: *кам тўламоқ – ортиқча тўламоқ, тўланган капитал – тўланмаган капитал, дебет қолдиқ – кредит қолдиқ, олдинги назорат – кейинги назорат* каби.

3. Жуфтликларнинг ҳар иккала қисмида такрорланиб, антонимияни ўзаро қарама-қарши маъноли сўзлар ҳосил қилади: *ички яроқсиз маҳсулот – ташқи яроқсиз маҳсулот* ва бошқалар.

Бирикмали терминлар орасидаги муносабатларни таҳлил қилиш натижасида уларнинг аксарият қисми ўзаро сифатловчи ва сифатланмиш муносабатида эканликларини кўрамиз. Масалан, *жорий активлар, тўланган капитал* ва б.

Банк-молия терминлари антонимияси ўрганилганда, уларнинг тузилиши ва ҳосил бўлиш жараёнлари ранг-баранг ва анча мураккаб эканлиги аниқланди.

## **II БОБ.**

### **ЎЗБЕК ТИЛИ БАНК ИШИ ТЕРМИНЛАРИНИНГ ЯСАЛИШ УСУЛЛАРИ**

Ўзбек тили терминологик системаларининг шаклланиши ва ривожланишида шу тилнинг ички имкониятлари асосий роль ўйнайди. Чунки “адабий тил лексикаси бойишининг биринчи ва энг муҳим манбаи унинг ўз ички ресурсларидир”<sup>1</sup>

Барча соҳаларда бўлганидек, банк иши терминологиясида ҳам ясама терминлар соҳа терминологиясининг таркиб топиши ва ривожланишида асосий манбалардан ҳисобланади.

Сўз яшаш ички манбанинг энг асосий омилidir. Сўз яшаш, умуман, қандай усул, қандай восита билан бўлмасин, янги сўз ҳосил қилишдир. Ўзбек тилида термин яшашнинг усуллари ҳар хил бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: семантик (семантик-синтактик), морфологик, синтактик (композиция). Шу йўллар билан термин ясалишини алоҳида-алоҳида кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

#### **2.1. Банк иши терминларининг семантик-синтактик усул билан ясалиши**

Ўзбек тилининг турли соҳа терминологик тизимларини ўрганишга бағишланган кўпгина ишларда семантик усул билан термин яшаш терминологияни бойитувчи муҳим бир манба сифатида эътироф этилади. Бироқ термин яшашнинг ушбу усулига мансуб деб қаралаётган кўпгина терминларнинг “семантик усул билан ясалган терминлар” сарлавҳаси остида берилиши мунозаралидир.

Маълумки, ҳозирги ўзбек тилида сўз маъносининг ўзгариши, маънонинг кўчиши, полесемантик сўзнинг айрим маънолари орасидаги боғланишнинг йўқолиши, айримларининг махсусланиши орқали янги сўзнинг ҳосил қилиниши – семантик ёки лексик-семантик йўл билан сўз яшаш<sup>2</sup> деб

<sup>1</sup> Дешериев Ю.Д. Закономерности развития и взаимодействия языков. М.: Наука, 1966. С. 131.

<sup>2</sup> Ўзбек тили грамматикаси. 1-том. Тошкент, 1975, 22-бет.

юритилади. Шу нуқтаи назардан, рўзгор буюмлари ёки косиблик асбобларини англатган *пичоқ, ўроқ, курак, қалпоқ, тирноқ* сингари сўзлар ҳозирги замон техника терминологиясида семантик усул билан терминлар деб талқин қилинади. Ўзбек тили банк иши терминологиясида ҳам семантик усул билан ясалган терминлар кўплаб учрайди. Маълумки, тилнинг лексикаси нафақат миқдорий, балки сифат жиҳатидан ҳам бойиб боради: эски сўзларда янги маъно пайдо бўлади, уларнинг эски ва янги маънолари ўртасидаги муносабатлар қайта англашилади.

Банк иши терминларини тарихий-этимологик нуқтаи назардан текшириш шуни кўрсатадики, ундаги кўпгина терминлар соф семантик усул билан ясалган. Масалан: *кирим, чиқим, харажат, маблағ, шакл, камомад* кабилар. Шунингдек, ҳозирги кунда томоман бошқа-бошқа сўзлар ҳисобланувчи *қолдиқ, буюртмачи, устама, қайднома* каби терминларнинг барчаси бошқа-бошқа феъллардан ҳосил бўлган. Ҳозирги пайтда ўзбек тилининг банк иши терминологиясида умумистеъмолдаги сўз ёхуд бошқа соҳалар терминларининг маъноларига янги маънолар юклаш йўли билан ясалган терминларнинг миқдори юздан ошиб кетади. Тилда сўзнинг маъносини ҳар хил усуллар билан кўчириш мумкин. Тилшунос Е.Кажибеков ҳам туркий тилларда сўз семантикасидаги ўзгариш асосан метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик каби семантик трансформация асосида амалга ошишини таъкидлайди.<sup>1</sup>

Терминшуносларнинг яқдиллик билан билдирган фикрларига қараганда, метафора семантик усулда термин ҳосил қилишда асосий роль ўйнайди. Бунда умумадабий ёки жонли тилдаги сўзларнинг бирор хусусиятини, шаклан ўхшашлигини, ранг-тусидаги бир хилликни асос қилиб олиш туфайли мана шундай янги-янги терминлар вужудга келади.

Ўзбек тили банк иши терминларининг семантик-синтактик усул билан ясалиши соф ўзбекча ёки ўзбек тилида аввалдан ишлатилиб келган форсча, арабча лексемани янги маънода қўллашдан иборат.

---

<sup>1</sup> Кажибеков Е. Семантика тюркского слова: АКД, Алма-Ата, 1988.

Ўзбек тилида банк-молия тизимида иш юритиш бўйича нашр қилинган қўлланма ва йўриқномаларда, терминологик ҳамда изоҳли луғатлар ва бошқа манбалардан тўпланган мисолларни таҳлил қилиб чиқиб, ўзбек тили лексикасининг бир қатор қатламларига оид лексик бирликлар банк иши терминларига айланганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу ўринда мазкур сўзларнинг маъноси ўзгаради ёки кўчма маънода қўлланади. Масалан, аслида турли аниқ ва мавхум отларнинг номлари бўлган *картотека*, *омонат*, *терминал*, *кредит*, *бадал*, *суғурта* каби сўзлар иштирокида семантик-синтактик усул билан ясалган терминлар кўплаб учрайди: *кредит бериш*, *омонат касса*, *суғурта полиси*, *картотека очиш* каби. Ўзбек тили банк иши терминларининг асосий қисмини ташкил этувчи бундай бирикма терминларнинг бошқа соҳаларда бўлганидек, тушунчаларни мантиқан, мазмунан ва грамматик жиҳатдан тўғри ифодалашда семантик троансформацияга учраган иккинчи компонентларнинг аҳамияти каттадир. Мазкур терминларнинг таркибий боғланишидан уларнинг қаратқичли конструкция эканлиги сезилиб туради.

Тўпланган далилий материаллардан ўзбек тили банк иши терминологиясида бутун номини англаувчи терминларга қараганда, унинг қисмларини англаувчи терминлар бир неча марта кўплиги аён бўлди. Масалан, *омонат- омонат дафтарчаси*, *омонатга маблағ киритиш*, *омонатдан нақдсиз маблағ йиғиш* ва бошқалар. Яна шу нарса характерлики, адабий тилда синонимик қаторга кирмайдиган сўзлар бу ўринда ўзаро синоним тарзда қўлланади. Масалан, *тўғирлаш* *ордери- тўғирлаш мемориал ордери*; *тўлов топшириқномаси-тўлов талабномаси* каби. Аслида синоним бўлмаган бундай лексемаларининг қўлланишига асосий сабаб уларнинг маъно жиҳатдан бир хиллиги эмас, балки шаклан ўхшашлигидир.

Адабий тилда бир-бирига синоним бўлган сўзлар банк иши терминларини яшашда семантик трансформацияга учраса ҳам, синоним

тарзда қўлланади. Баъзан семантик-синтактик йўл билан банк иши терминларини ясашда адабий тилдаги сўз билан унинг шевалардаги маънодошлари синоними тарзида қўлланади: *мол-мулкни гаровга қўйиш-мол-мулкни гаровга олиш*. Бизнинг фикримизча, бир терминологик тизим доирасида бундай синонимик бирикма терминларнинг вужудга келишига, биринчидан, семантик-синтактик ясашида иштирок этаётган иккинчи компонентнинг метофорик қўлланиши, иккинчидан, бу терминлар бошқа тилдан калькаланиш йўли билан ҳосил қилинганлиги, учинчидан, таржимон ёки муаллифнинг маълум бир шева вакили эканлиги сабаб бўлган. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, семантик-синтактик усулда термин ясаш бошқа соҳалар қатори банк иши терминологиясида ҳам салмоқлидир. Бунинг асосий сабаби терминларнинг ўтмиш даврларда халқ тили асосида юзага келиб, жонли сўзлашув тили билан мустаҳкам алоқада ривожланганлигидир. Шунинг учун уларда халқ тилига хос бўлган кўпдан-кўп метофорик қўлланишлар ўз аксини топган. Масалан: *пластик карточка, дуэт карточка, кредит карточка* каби бирикма терминлар таркибидаги *карточка* сўзи умуми адабий тилда бирор нарса учун берилган расмий қоғоз номини англатади.

Баъзи бир умумистеъмолдаги сўзлар ўхшашлигигагина эмас, балки вазифасига кўра (вазифадошлик асосида) ҳам янги термин ясашига асос бўлиши мумкин.

Маълумки, *кирим* – феълдан ясалган бу от бирор нарса учун берилган мавҳум от маъносини англатади. Бу лексема ҳам банк иши терминологиясида кўпгина янги маъноларда қўлланади: *кечки кирим, кирим ордери, нақд пул кирими* каби. Тўпланган материалларни таҳлил қилиш ўзбек тили банк иши терминологиясида метофорик ўхшатиш асосида семантик-синтактик усулда термин яшанинг кўлами жуда кенглигини кўрсатди.

## 2.2. Банк иши терминларининг морфологик усул билан ясалиши

Туркий тилларда лексемалар ҳосил қилишнинг кенг тарқалган йўлларида бири – аффикслар орқали сўз ясашидир. Бу усул билан сўз ясашиш кўлами кейинги даврларда янада кенгайди. Бу ҳолат турли терминологик тизимларга мансуб бўлган терминларнинг ясалишига ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Маълумки, терминлар ҳам адабий тил доирасида мавжуд бўлган сўз яшаш қолиплари асосида, шунингдек, деревацион аффикслар асосида яратилади. Терминологиянинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, адабий тилда бирмунча каммаҳсул бўлган аффикс терминологияда ёхуд унинг бирор тизимида фаол бўлиши ёки аксинча ҳолат кузатилиши мумкин. Масалан, ўзбек тилининг техник терминологиясида –**гич** аффикси маҳсулдор бўлса, бизнинг тадқиқот объектимиш бўлган банк иши терминологиясида ушбу аффикс билан деярли термин ясалмайди. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, гарчи ҳозирги замон ўзбек тилида лексема яшашнинг кенг қўлланадиган энг унумли, етакчи усуллари аффиксал усул бўлса-да, терминологияга нисбатан бу ҳукми қўллаб бўлмайди, чунки бу бир томонламаликка олиб келади. Терминологияга оид тадқиқотлардан маълум бўлишича, бирор терминологик тизимда аффиксация усули билан терминлар яшаш бир қадар фаол бўлса, бошқасида каммаҳсулдир. Масалан, ўзбек тилининг техника, мусиқашунослик терминологияларида термин яшашда кўплаб аффикслар иштирок этгани ҳолда, касалликлар, доришуннослик, кимё терминологияларида термин ясовчи аффиксларнинг миқдори анча чекланган.

Шунини таъкидлаш лозимки, бундай терминларнинг аксарияти синхроник нуқтаи назардан ўзак-негизларга ажралмайдиган лексик бирликлардан иборатдир. Бироқ бу ўринда қуйидаги икки ҳолатни эътиборга олиш лозим бўлади:

- 1) ҳозирги банк иши терминологияси тизимида ҳатто диахроник жиҳатдан ҳам морфологик қисмларга ажратилмайдиган, тузилиши

жиҳатидан туб ҳолда бўлган бир қатор терминлар мавжуд: *касса, лизинг, омонат, пул* каби.

- 2) банк иши терминологик тизимига кирувчи бир қатор терминларни тарихан морфемаларга, яъни ўзак-негизларга ҳамда ясовчи элементларга ажратиш мумкин. Жумладан, қуйидаги терминларни тарихан морфемаларга ажралган деб тахмин қилишимиз мумкин: *кирим, чиқим, жамғарма, тўлов* каби.

Ҳозирги ўзбек тили банк иши терминологиясида терминлар морфологик учулда қуйидаги фаол ва нофаол аффиксал морфемалар билан ясалганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин:

**–им аффикси:**

*Кирим* – нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан маблағ жамғариш;

*Чиқим* – нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан харажат қилиш;

**–ов аффикси:**

*Тўлов* – харажатни маблағ билан қоплаш;

*Гаров*- сармояни олиш учун қуйилган кафолат мо-мулк;

**–ма аффикси:**

*Пул ўтказмаси* – маблағни у ёки бу ҳисоб рақамига тушириш;

*Жамғарма* – нақд пул ёки пул ўтказиш билан эришилган сармоя;

*Банк бўлинмаси*- банкдаги махсус вазифа учун хосланган бўлим;

*Қуйилма* – ғазнага қўйилган омонат;

**– нома аффикси:**

*хабарнома* – банк томонидан юборилган чақирув қоғози;

*қайднома* – тўлов ёки рўйхатга олиш қоғози;

*шартнома* – банк билан тузилган битим;

**– лаш аффикси:**

*фоиз ҳисоблаш* – устама қарздорликни миқдорини аниқлаш;

*валюта айирбошлаш* – нақд пулни алмаштириш;

**– ли аффикси:**

*имтиёзли кредит* – имтиёз асосида берилган мул маблағи;

*сметали пул ажратиши* – мақсадли пул сарфи;

*муддатли депозит* – маълум вақтда олинishi кўзда тутилган сармоя;

*қимматли қоғозлар* – банк ишидаги аҳамиятга молик иш қоғозлари;

**–лик аффикси:**

*қарздорлик* – банкдан сармоя олинган вақтдаги ҳолат;

*аудиторлик текшируви* – назорат-тафтиш текшируви;

**–ий аффикси:**

*эҳтимолий йўқотиши* – тасодифан сармоядан ажралиш;

*марказий банк* – марказлашган банк ташкилоти;

*жисмоний шахс* – **банк билан муамаладаги шахс;**

Банк иши терминларини морфологик усул билан ясалишини таҳлил қилар эканмиз, терминлар ясалишидаги ясовчи асос ва ясовчи воситаларнинг нафақат соф туркий тилларга, балки рус тили ва рус тили орқали бошқа Европа тилларидан ўзлашган терминларга ҳам дуч келамиз. Фикримизни далили сифатида айрим терминларга диққатимизни қаратамиз:

**Операцион даромад** – бу бирикмали терминдаги биринчи қисм (*операцион*) ясама сўз бўлиб унинг асосини соф русча бўлган *операция* сўзи ташкил қилади. **Бухгалтерлик ҳисоби** – бирикмали терминида ҳам биринчи ясама қисм асоси русча бўлган *бухгалтер* сўзидир.

Ўзбек тили банк иши терминологиясида *бланкли кредитлаш* (ишончли кредитлаш), *факторинг операциялари* (аниқ жараёнлар), *мол-мулкни инвентаризациялаш* (мол-мулкни ҳисобдан ўтказиш), *инкасса топшириқномаси*, *мемориал ордер*, *синтетик ҳисоб*, *инфокиоск* каби бундай ясалишлар ҳам салмоқли миқдорни ташкил қилади.

Шунинг билан бирга рус ва рус тили орқали бошқа Европа тилларидан ўтган морфологик структураси жиҳатдан бир қанча туб терминлар ҳам мавжудки, улар баъзан содда, баъзан бирикмали ҳолатда келиб, ясама терминлар учун ясовчи асос вазифасини ҳам бажариб

берган: *резерв, авизо, регистр, баланс, дивидент, сальдо, аванс, транш, персонал, штат, субсчёт, субъект, ордер* каби.

### **2.3. Банк иши терминларининг синтактик усул билан ясалиши**

Лексема яшаш соҳасида тилнинг ички ривожланиш қонунлари яққол кўринади. Унинг ривожланиши ва такомиллашуви билан боғлиқ ҳолда янгидан вужудга келаётган моделлар ҳамда сўз яшаш усуллари бунинг исботидир. Ҳозирги замон ўзбек тилида ана шундай усуллардан бири – сўзларни ўзаро қўшиб сўз яшаш турлича номланади.<sup>1</sup> Баъзи адабиётларда “морфологик-синтактик усул билан сўз яшаш”, “грамматик усул билан сўз яшаш” деб берилса, айримларида эса “лексик-синтактик усул билан сўз яшаш” атамаси қўлланилади.

Ўзбек терминшунослигида айнан шу усул билан янги термин ҳосил қилишни “синтактик усул билан термин яшаш” деб юритиш анъанавий бўлиб қолган. Маълумки, терминларнинг синтактик усул билан ясалиши дейилганда, икки ҳодиса кўзда тутилади: композиция усули билан ясалиши ва бирикма терминларнинг ҳосил бўлиши. Уларни банк иши терминлари мисолида кўриб чиқмиз.

#### **1. Қўшма терминлар.**

Бирикманинг лексема (термин) га айланиши натижасида янги лексема (термин) ҳосил бўлади. Маълумки, қўшма сўзлар тилда эҳтиёж, зарурият туфайли туғилади. Чунки предмет, воқеа-ҳодисалар, уларнинг аниқ ёки тўлиқ белгиларини доим ҳам бир сўз билан ифодалаш имконини бермайди. Шунинг учун ҳам маълум тушунчани икки ёки ундан ортиқ сўз бирикувидан ҳосил бўлган янги, яхлит сўз орқали ифодалашга эҳтиёж сезилади.<sup>2</sup>

Композиция йўли билан яшаш композиталар – қўшма лесемалар яшаш бўлиб, бунда икки (ёки ундан ортиқ) лексеманинг қўшилиши янги

---

<sup>1</sup> Ўзбек тили грамматикаси. 1-том. 22-бет.

<sup>2</sup> Мадвалиев А. Қўшма терминларнинг хусусиятлари ва уларни тартибга солиш масалалари // Ўзбек тили илмий-техникавий терминологиясини тартибга солиш принциплари. Тошкент, 1991. 50-бет.

лексик бирликни ҳосил қилади.<sup>1</sup> Қўшма терминлар, одатда, эргашиш йўли билан бирикиб, икки компонентдан бирининг тобелануви ёки аниқловчи вазифасини ўтаб келиши натижасида ҳосил бўлади. Бундай хусусият деярли барча туркий тилларга тааллуқлидир. Ўзбек тилининг банк иши терминологик тизимида қўшма терминлар бошқа соҳаларга нисбатан салмоқли ўрин тутади. Амалда қўлланаётган банк иши терминлари тил материалига қараб қуйидаги сўз туркумларидан ташкил топган:

а) от + от шаклидаги қўшма терминлар. Бундай қолипни терминларнинг компонентлари биринчи тип изофа тарзида бир-бири билан бирикади, яхлитлашади. *сарфхаражат, ойликмаош* каби.

б) равиш+ от шаклидаги қўшма терминлар: *Камомад, бирёқлама тўлов* каби.

## **2. Бирикмали терминлар.**

Маълумки, *бирикма* дейилганда “маълум грамматик қонуниятлар асосида ўзаро боғланган икки ёки бир неча сўз” тушунилади.<sup>2</sup> Шу таърифдан келиб чиқиб, терминшуносликда мазкур усул билан ясалган лисоний ҳосила *бирикма терминлар*, деб атаб келинади. Бинобарин, ўзбек терминшунослиги бўйича ҳимоя қилинган диссертациялар, нашр этилган монографиялар, айрим мақолаларда яқка терминлар билан бир қаторда *бирикма терминлар* ҳам ўрганилиб келинаётир. Бу ҳолатни ўзбек тили банк иши терминлари тизимида ҳам кузатишимиз мумкин.

Кейинги йилларда Банк-молия тизимининг кескин ривожланиши натижасида ўнлаб, юзлаб тушунчалар кириб келинмоқда ёки кашф этилмоқда. Уларни аташ учун эса ўзак-негиздан, ўзак-негизнинг ясовчи билан қўшилишидан ёхуд икки ва ундан ортиқ ўзак-негизнинг ўзаро бирикувидан ҳосил бўлган луғавий бирликлар етишмай қолди. Бундай эҳтиёжни қондириш учун икки ва ундан ортиқ мустақил маъноли луғавий

---

<sup>1</sup> Ўзбек тили грамматикаси. 1-том. Тошкент: фан, 1975. 32-бет.

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилдли. 1-жилд. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат нашриёти, 2006. 277-бет.

бирликларни синтактик йўл билан бириктириб, бирикма терминлар ҳосил қилиш усули жуда қулай келди.

Ҳозирги илмий-техника ёхуд касб-хунарлар терминологик тизимларига мурожаат қилинганда, якка терминлар (туб, ясама, қўшма, жуфт) га нисбатан бирикма терминлар миқдор жиҳатдан кўпроқ эканлиги маълум бўлди. Қуйидаги далилларга эътиборни жалб этамиз. Тилшунос Ҳ.Шамсиддинов физикага оид терминлар луғатини ўрганиб, шундай хулосага келган эди: “Ишимизнинг объекти бўлган ФТЛ да жами 18175 та термин берилган. Шундан бирикма терминлар 9875 та бўлиб, умумий терминлар миқдорининг 54,2 фоизини, бир сўзли терминлар эса 8280 та бўлиб, 45,8 фоизни ташкил этади.<sup>1</sup>

Ўзбек тилининг банк иши терминологиясида эса, бошқа терминологик тизимларда бўлганидек, банк иши тушунчаларини бирикма воситасида ифодалашнинг ўзига хос бир йўли қарор топди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, банки иши бирикма терминлари миқдор жиҳатдан кўплиги билангина эмас, балки ясаиш жиҳатидан хилма-хиллиги билан ҳам ажралиб туради.

Аввало, банк иши бирикма терминларини тузилишига кўра кўриб чиқамиз. Барча терминологик тизимларда бўлганидек, банк ишига оид терминологияда ҳам икки ёки уч ва ундан ортиқ компонентли бирикма терминлардан фойдаланилмоқда. Уларнинг ҳар қайсисини алоҳида кўриб чиқиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

1. Тўпланган материалнинг кўрсатишича, банк иши терминологик тизимида икки компонентдан ташкил топган терминлар миқдор жиҳатдан кўплиги билан ажралиб туради. Масалан, *қимматли қозғозлар, аналитик ҳисоб, мемориал ордер, пластик карта, назорат варағи, фоизларни ундириши, пул чеки, лизинг операциялари, касса амалиётлари, инкасса топшириқномаси, дуэт карточка* каби.

---

<sup>1</sup> Шамсиддинов Ҳ. Ўзбекча ва интернационал термин элементларининг ўзаро муносабати ҳақида (физика терминлари асосида) // Ўзбек терминологиясида лексик вариантлар. Тошкент: Фан, 1986. 45-бет.

Уч ва ундан ортиқ компонентли бирикма терминлар эса бир неча компонент ҳисобига кенгайишидан ҳосил бўлади. Мисолларга мурожаат этайлик:

а) уч компонентли бирикма терминлар: *омонатдан маблағ чиқариш, тузирлаш мемориал ордери, халқаро пул ўтказмалари, мол-мулкни гаровга қўйиш, махсус ҳисоб рақам* кабилар.

б) тўрт компонентли бирикма терминлар: *муддати келган кредитларни сўндириш, берилган кредитларни мониторинг қилиш, омонатга ҳисобланган фоизларни бериш, пулни мутаносиб равишда тақсимлаш* кабилар.

в) беш ва ундан ортиқ компонентли терминлар: *жисмоний ва юридик шахсларга ҳисоб рақам очиш, нақд пул тушумини хронометраж қилиш, бўш пул маблағларини омонатга жалб қилиш* каби.

Тўғри, кў компонентли терминлар информация алмашиш жараёнини бирмунча қийинлаштиради. Шунга кўра, уларни ихчамлаштириш, компонентлари сонини камайтириш борасида махсус ишлар олиб бориш зарур бўлади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, икки компонентли бирикма терминлар микдор жиҳатдан кўплиги билан, шунингдек, компонентларининг ўзаро бирикиш усул ва воситалари жиҳатидан химахиллиги билан ажралиб туради. Қуйида мазкур типда бирикма терминлар хусусида алоҳида тўхталиб ўтишни лозим деб топдик. Чунки уларнинг ўзаро бирикиш қонун-қоидалари ва бошқа омиллар аён бўлгандан кейин уч ва ундан ортиқ компонентли бирикма терминлар ҳақида айна шу йўсинда сўз юритишга ҳожат қолмайди.

Маълумки, туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида ҳам икки компонентли терминологик бирикмалар тил материалларига қараб, от+от ёки сифат+от қолипи асосида ясалган бўлади. Шунга кўра, қуйида мана шу бирикмаларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

1. от+от шаклида ясалган бирикма терминлар. Туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида ҳам от+от шаклидаги бирикмалар изофа орқали бирикиб келади. Бундай изофа қуйидаги кўринишга эга:

а) биринчи изофа воситасида ҳосил бўлган бирикманинг ҳар иккала компоненти грамматик белгига эга бўлмайди, яъни бундай лексемаларнинг ўзаро боғлиқлиги сўз тартиби ва бирлаштирувчи интонация билан белгиланади.<sup>1</sup> Масалан, *касса амалиётлари, жамғарма сертификати, пул чеки, мемориал, ордер омонат дафтарчаси* ва боқалар. Бу мисоллардан кўриниб турибдики, биринчи тип изофали бирикма анча қулай, ихчам ва терминологик талабларга жавоб бера оладиган шаклдир;

б) иккинчи тип изофали бирикма бирор предмет, нарса, воқеа-ҳодисаларнинг иккинчи предмет, нарса, воқеа-ҳодисага қарашлилигини, мансублигини англатади. Бирикманининг иккинчи компоненти эгалик кўшимчаси билан шакллантирилади: *хўжалик операцияси, тўлов топшириқномаси, депонент суммаси, инкасса топшириқномаси* каби.

Бундан кўринадики, ўзбек тили банк иши терминологиясида ҳар иккала типдаги изофа билан шаклланган бирикма терминлар ўзига хос ўринни эгаллайди. Демак, от+от қолипли бирикмалардан ҳосил бўлган атамаларнинг аниқловчи компоненти ҳар хил маъноли лексемалардир. Тилшунос Ф.Абдуллаев бундай бирикмаларнинг грамматик хусусиятлари ҳақида шундай дейди: “Отли бирикмалар системасидаги кенг тарқалган турлардан бири икки турнинг кўшимчасиз бирикувидир. Эргаш аъзо система сифатида биринчи ўринда, бош сўз эса иккинчи ўринда келади; қоида бўйича грамматик жиҳатдан ўзгарувчи элемент иккинчисидир, яъни келишик, эгалик ва кўплик кўшимчаларидан бирортасини (ёки уччаласини ҳам) олиши мумкин. Биринчи компонент шаклан от туркумига тааллуқли бўлади, лекин маъноси томонидан кўп вақт белгини англатувчи сифат туркумига жуда яқин туради...”

---

<sup>1</sup> Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. Тошкент: Фан, 1977. 9-бет.

2. Сифат+от қолипида ясалган бирикма терминлар. Ўзбек тилининг банк иши терминологияси тизимида сифат+от қолипи асосида ясалган терминлар салмоқли ўринни эгаллайди. Чунки бундай бирикма терминларнинг аниқловчи компоненти турли хил хусусиятни ифодалаб келади. *Қимматли қозғозлар, хўжалик юритувчи субъект, жисмоний шахс, юридик шахс, махсус ҳисоб рақам, кундузги кирим, кечки кирим* ва бошқалар.

Эътибор берганимиздек, бундай бирикма терминларнинг аниқловчи компоненти аслий ва нисбий сифатлардан иборатдир. Нисбий сифат+от қолипидаги бирикмали терминларнинг аниқловчи компоненти хилма-хил сифат ясовчи қушимчалар билан шакллантирилади. Ўзбек тилининг банк иши терминологиясида бошқа терминологик тизимларда ҳам иштирок этадиган аниқловчи компонентлар ёрдамида терминлар ясалади. Бироқ, бу ўриндаги фарқ шундаки, текшириш объектимиздаги айрим сифат ясовчи аффикслар ниҳоятда сермаҳсул бўлса, бошқалари бир қадар каммаҳсулдир.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, содда бирикма терминлар банк иши терминлари тизимида кўп миқдорни ташкил этиши билангина эмас, балки банк-молия тизими тушунчаларини тўғри, аниқ ва ихчам тарзда ифодалаб келиши билан ҳам ўзига хос афзалликларга эга. Бу эса, ўз навбатида, информациянинг аниқлигини таъминлайди, фикр алмашув жараёнини осонлаштиради. Банк иши терминларини тарихий этимологик нуқтаи назаридан текшириш шуни кўрсатдики, ундаги кўпгина терминлар соф семантик усул билан ясалган.

Аслига кўра полесемантик муносабатда бўлган бир қанча лексемалар маънолари орасидаги ички боғланиш йўқолиб, ассоциатив алоқа сезилмас ҳолга келган. Семантик усул билан ясалган бундай банк иши терминларининг айримлари диахроник характерда эканлиги бу ҳодисанинг фақат бир давр маҳсули эмаслигини яна ҳам аниқ кўрсатиб

туради. Банк иши терминологиясида бутун номини англаторувчи терминларга қараганда, унинг қисмларини англаторувчи терминлар бир неча марта кўп. Уларга хос асосий хусусият – аъзо номини англаторувчи термин олдин, унинг қисмини англаторувчи сўз кейин келади. Одатда, кейин келган сўз кўп ҳолларда кўчма маънода қўлланган бўлади.

Семантик-синтактик усулда термин яшаш бошқа соҳалар терминологиясига нисбатан банк иши терминологиясида кенг қўлланган. Бунинг асосий сабабини банк иши терминларининг ўтмиш даврларда халқ тили асосида юзага келганлиги ва жонли сўзлашув тили билан мустаҳкам алоқада бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин. Шунинг учун халқ тилига хос бўлган кўпдан-кўп метофорик қўлланишлар, яъни лексемалар маъносининг кўчирилиши банк иши терминлари тизимида нисбатан кўп учрайди. Банк иши терминларининг аффиксация усули билан яшалиши синтактик усул билан яшалишига қараганда каттамаҳсул бўлса-да, диахроник нуқтаи назаридан муҳим ўринни эгаллаб келган.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Ишнинг хулоса қисмида қуйидаги назарий умумлашмаларга келинди:

1. Ўзбек тилининг банк иши терминологияси узок ва мураккаб тараққиёт натижасида вужудга келган бўлиб, ҳозирги вақтда ички ва ташқи манбалар асосида жадаллик билан ривожланмоқда.

2. Ўзбек тили банк иши терминологиясидаги омоним терминларнинг деярли кўпчилиги полисемантик сўзлар бўлиб, терминологик лексикада ҳар хил тушунчаларни ифодалайдиган бўлган. Кейинчалик эса, банк иши терминологиясида муайян тушунча ифодалайдиган термин сифатида шаклланган. Омоним терминлар асосан полисемантик сўзларнинг мантиқий давоми сифатида юзага келган. Лекин бошқа-бошқа соҳаларга тегишли бўлгани туфайли маъносидаги алоқадорлик сезилмай кетган. Банк иши терминларидаги омонимия ҳодисаси асосан от сўз туркуми доирасидадир.

3. Банк иши терминологик лексикасида услубий хосланмаган синоним терминлар ҳам мавжудки, уларнинг маъноси тушунча ва объектга тўлиқ мос келади. Шунинг учун ҳам бундай синонимларни терминологик дублетлар деб юритиш мумкин. Масалан, *хўжалик субъекти – хўжалик юритувчи субъект, газна – касса, қайд дафтари – қайд қилиш дафтари, ойлик – маош, омонатга маблағ киритиш – омонатга маблағ қўйиш* каби.

4. Банк иши терминлари антонимияси ўрганилганда, уларнинг тузилиши ва ҳосил бўлиш жараёнлари ранг-баранг ва анча мураккаб эканлиги аниқланди. Антонимия ҳодисаси банк иши терминларида туб+туб, туб+ясама, ясама+ясама терминлар моделидадир. Антонимия ҳодисасини бирикмали терминлар орасидаги муносабатларда таҳлил қилиш натижасида уларнинг аксарият қисми ўзаро сифатловчи ва сифатланмиш муносабатида эканлиги кузатилди. Масалан, *жорий активлар, тўланган капитал* ва б.

5. Банк иши терминологиясининг бойишида аксар семантик усул билан термин яшаш етакчи бўлган, банк иши терминларига синхроник нуқтаи назаридан ёндашилганда, соф семантик усул билан ясалган терминлар деярли учрамайди. Улар ўрнини семантик-синтактик усулда термин яшаш эгаллаган.

6. Метафорик ўхшатиш асосида семантик-синтактик усулда термин яшашнинг кўлами жуда кенгдир. Ҳозирги банк иши терминологиясида бу усулда тушунчаларни мантиқан, мазмунан ва грамматик жиҳатдан тўғри ифодалашда семантик трансформацияга учраган иккинчи компонентларнинг аҳамияти каттадир.

7. Банк иши терминларини морфологик усул билан ясалиши таҳлил қилинганда, терминлар ясалишидаги ясовчи асос ва ясовчи воситаларнинг нафақат соф туркий тилларга, балки рус тили ва рус тили орқали бошқа Европа тилларидан ўзлашган терминларга ҳам тегишлилиги маълум бўлди.

8. Содда бирикма терминлар банк иши терминлари тизимида кўп миқдорни ташкил этиши билангина эмас, балки банк-молия тизими тушунчаларини тўғри, аниқ ва ихчам тарзда ифодалаб келиши билан ҳам ўзига хос афзалликларга эга. Бу эса, ўз навбатида, информациянинг аниқлигини таъминлашга, фикр алмашув жараёнини осонлаштиришга хизмат қилади.

9. Банк иши терминларини келгусида лингвистик нуқтаи назардан мукамал тадқиқ қилиш ўзбек тилшунослиги олдидаги долзарб масалалардандир.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаев Ф. Ўзбек тили лексикасининг баъзи бир масалаларига доир // Тил ва адабиёт институти асарлари. Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1949.
2. Ақобиров С. Тил ва терминология. Тошкент: Ўзбекистон, 1968.
3. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985.
4. Винокур Г.О. О некоторых явлениях словообразования в русской технической терминологии // Труды МИФЛИ. Т.5. Сборник статей по языковедению. М., 1939.
5. Виноградов В.В. Вступительное слово на Всесоюзном терминологическом совещании // Вопросы терминологии. М., 1961.
6. Дониёров Р. Ўзбек тилининг илмий-техникавий терминлари тарихидан. Тошкент: Фан, 1978.
7. Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания. М., 1977.
8. Дешериев Ю.Д. Закономерности развития и взаимодействия языков. М.: Наука, 1966.
9. Кажибеков Е. Семантика тюркского слова: АКД, Алма-Ата, 1988
10. Мадвалиев А. Узбекская химическая терминология и вопросы её нормализации: Дисс. канд. филол. наук. Ташкент, 1986.
11. Мадвалиев А. Қўшма терминларнинг хусусиятлари ва уларни тартибга солиш масалалари // Ўзбек тили илмий-техникавий терминологиясини тартибга солиш принциплари. Тошкент, 1991.
12. Маматов Н. Термин ва унинг таърифи ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1976. 1-сон.
13. Мираҳмедова З., Хонбобоева Г. Қисқача русча-ўзбекча иқтисодий терминлар ўқув луғати. Тошкент: Молия, 2004.
14. Реформатский А. Введение в языковедение. М., 1967.

15. Сотиболдиев А., Шодибекова Д. Бухгалтернинг изоҳли луғати. Тошкент, 2010. 9-бет.
16. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент: Ўқитувчи, 1992.
17. Трубецкой Н. Основы фонологии. М., 1960.
18. Тўракулов Н. Рус-ўзбек тилларининг ижтимоий-сиёсий луғати. Тошкент, 1922.
19. Улуғ Турсун. Терминология масалалари. Тошкент, 1933.
20. Шамсиддинов Ҳ. Ўзбекча ва интернационал термин элементларининг ўзаро муносабати ҳақида (физика терминлари асосида) Тошкент: Фан, 1986.
21. Ўзбек тили грамматикаси. 1-том. Тошкент, 1975.
22. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилдли. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат нашриёти, 2006-2008.
23. Қосимов А. Тиббий терминлар изоҳли луғати. Тошкент: Шарқ, 2004.
24. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. Тошкент, 2002.